



Q A R O R

«11» апрел 2006 йил

№ 344-К

Сотиб олинган теракзор эгаллаб турган ер майдонини ижарага бериш тугрисида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 4-ноябрдаги Ф-2069-сонли «2005-2007 йилларда фермер хужаликларини жадал ривожлантиришга қаратилган тақлифлар тайёрлаш бўйича махсус комиссия тузиш тугрисида»ги фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24-декабрдаги 607-сонли ҳамда Самарканд вилоят ҳокимининг 2004 йил 28-декабрдаги 266-К сонли «2005-2007 йилларда фермер хужаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тугрисида»ги ва туман ҳокимининг 2004 йил 29-декабрдаги 725-К-сонли қарорларига асосан қишлоқ хужалиқ маҳсулотларини етиштирувчиларнинг асосий шакл сифатида фермер хужаликларини ташкил қилиш ва уларнинг фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек қишлоқда бозор инфратузилмасини комплекс ривожлантириш мақсадида Р.Хамраев номли ширкат хужалиғи негизида фермер хужалиқлари ташкил этилиб, мавжуд сугориб қайдаладиغان ер майдонлари фермер хужалиқларига тендер асосида тарқатиб берилди, хужалиқда мавжуд боғзорлар, тоқзорлар ва теракзорлар ҳамда қурилиш иншоотлари асосий восита сифатида қим ошди совдосида сотилди, Мамиров Ахтамнинг хужалиқдаги сотиб олинган теракзорни эгаллаб турган ер майдонини ижарада фойдаланишга расмийлаштириб бериш тугрисидаги 2006 йил 24-мартдаги 324-сонли аризасини, «Ўзбекистон банклари ассоциациясининг универсал биржа маркази»да утқазилган Марказлаштирилган электрон биржа савдосининг 2005 йил 29-ноябр кунидаги 129/20-сонли қучирма баённомасини, 2005 йил 29-ноябрдаги 129/1487-сонли олди-сотди шартномасини, 2005 йил 29-ноябрдаги 247-сонли шартнома топширигини ҳамда Мамиров Ахтам номига пул туланганлиғи тугрисидаги 2005 йил 5-ноябрдаги 2-сонли қвитанциясини, 2006 йил 23-мартдаги 08-сонли қонтрольная ведомостини, 2006 йил 7-февралдаги, 2006 йил 11-январдаги, 2006 йил 22-февралдаги тулов тоширикномаларини қуриб чиқиб

Қ А Р О Р К И Л А М А Н :

1.«Ўзбекистон банклари ассоциациясининг универсал биржа маркази»да утқазилган Марказлаштирилган электрон биржа савдосида Р.Хамраев номли ширкат хужалиғида жойлашган 369-қонтурдаги 600 туп терак дарахтини сотиб олинishi муносабати билан теракзор эгаллаб турган 1,0 гектар ер майдони Мамиров Ахтамга 50 йилга ижарада фойдаланишга берилсин.

2.Туман ер ресурслари хизмати (Б.Абдураззоқов)га ер қадастр ва бонитети асосида мазкур сотилган теракзорни эгаллаб турган ер майдонларини тегишли тартибда меъёрий хужжатларни тайёрлаш ва ҳисоботларда қайд этиш;

3.Туман Давлат солиқ инспекцияси (А.Тураев)га Мамиров Ахтамнинг сотиб олинган теракзор ва эгаллаб турган ер майдонидан фойдаланишни молиявий фаолияти устидан назорат урнатиш, солиқ ва бошқа мажбурий туловларини тартибга солиш;

4.Туман статистика бўлими (З.Эргашев)га Мамиров Ахтамнинг сотиб олинган теракзор ва эгаллаб турган ер майдонини статистик ҳисоботларини тугри олиб бориш ва умумлаштириш вазифаси юқлатилсин.

5.Қим ошди савдосида сотиб олинган теракзордан ва теракзор эгаллаб турган ер майдонидан тегишли амалдаги қонунлар асосида ҳамда «Ер кодекси»нинг 40-моддасига қатъий риоя қилган ҳолда фойдаланиш ҳамда ижарада фойдаланиш учун ажратилган 1,0 гектар ер майдонида меъёрий хужжатлар асосида тулик мева дарахтлари бўлишини таъминлаш Мамиров Ахтамга юқлатилсин.

6.Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи уринбосари Ш.Нарзиев зиммасига юқлатилсин.

7.Ушбу қарорни тасдиғи вилоят ҳокимидан суралсин.

Туман ҳокими :-

*Ш.Негматов*

Ш.Негматов